



СССР ҶУМҲУРИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

◆ 13 август 1970 йил, пайшанба ◆ № 188 (14.654). ◆ Баҳоси 2 тиён.

ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕКИСТОН ҚИРҒИЗЛАРИ

МАШИНА— ДЕҲҚОН ТАЯНЧИ

Тошкент область Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг
машина теримини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан
ТАДБИРЛАРИ

Республикамиз пахта далаларида иқодий меҳнат бамисоли бўлмоқда. Ҳаммаининг фикри-зикири она-Ватанга 4 миллион 100 минг тонна «қоқ олтин» етказиб бериш ва КПСС Марказий Комитетининг июль (1970 йил) Пленуми қарорларини оғишмай амалга оширишга қаратилган. Ана шундай катта мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳар бир киши, ҳар бир коллектив янги-янги тадбирларни белгилаб иш тутмоқда, республикамизнинг улкан пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшиш гўйгулари билан нафас олмақда. Колхозимизда ҳам шундай!

Барча бригадаларда гўзалар бўлтурганга нисбатан бирмунча тез ва серхосил бўлиб ривожланмоқда. Шахзода Салимов, Аяваз Ойдинов, Мирзахон Қўшаев, Анавар Ашиқов уюшқоқлик бошлиқ бригадаларнинг ҳар тўп гўзасида ҳозиринг ўзидек 6-8 тадан тўқ қўсак санаш мумкин.

Лекин биз бу билан қийоғалиқ қолмаганимиз йўқ. Августини ҳосил-ҳосил қўшиш оғи деб эълон қилган миришқор деҳқонларимиз гўза парваришини кун сайин, соат сайин маддашларимокдалар. Чекангани барча майдонларда тугаллади. Энди гўзалар бўйига эмас, экинга ўсиб, ҳосилга ҳосил қўшверади, катта бўйин, машина-бон бўлиб ривожланаверади.

Колхозчиларимиз механизаторлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, бу йил 941 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил кўтаришга сўз берган эдилар. Янгирик ва Пахтакор районлари меҳнатлашловининг таълаббуги жавобан ва КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми қарорларини изчи алағга ошириш мақсадида планимизни ўзгатириб, қўшимча мажбурият олди. Янги мажбуриятимизга кўра ҳар гектар ердан 30 центнердан, жами 2823 тонна қоқ олтин топишмоқчимиз. Шунча ҳосилнинг 90 проценти машиналарда териб олинади.

Ҳўш, бунга қандай қилиб эришамиз? Колхоз правлениси, партия ва комсомол ташкилотлари оширилган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда йигини-теримини, ҳусусан, машина теримини муваффақиятли ўтказиш юзасидан алоҳида тадбирлар белгиладилар. Ҳозирги кунда шу тадбирларни турмушга татбиқ этишга киришдик.

941 гектар майдондаги гўзанинг 541 гектари ҳозирга қадар беш марта узунсига култивация қилинди.

400 гектардагиси эса олтинчи марта култивациядан чиқарилмоқда. Учунчи сугориш тугалланди. 164 гектар майдондаги гўзага тўртинчи сув бериб бўлинди. Лекин, янги тадбирларимизга эъсосан барча майдонлардаги гўзаларни август ойи охиригача таъин бир марта комплекс парваришдан чиқарамиз. Сугоришни эса қўсқалар очилганига қадар давом эттирамиз. Сугориш билан бирга гўзага фақат «шарбат» оқизамиз.

Бизда фақат 10 процент майдондаги пахта кўлда терилади. Демак, ҳосилнинг жуда катта қисми агрегатларда серанжон-сарниш таланади. Бунинг учун чигит ичиб чиқиши Биланко гўзаларини машинага мослаб парвариш қила боладик. Сугориш эгитларининг қатор ораблар бўйлаб бир хил қўқолида ва тўппа-тўғри қилиб олинчида алоҳида эгитбор бердик, бирор тўп гўзани чанкиб қўймадик. Натижада экин қониб сув ичди, текис ривожланди, машина учун қўлай, яъни катта бўйин бўлиб ривожланаётди. Бу эса агрегатларнинг қатор ораблар бўйлаб чанқалмасдан юришига, шпинделларнинг эса чанқоларига пахта пани бир текис чанқиб олишига катта имконият яратди. Шундай қилинганда «зангори кема»ларнинг иш унуми ортади, пахта ерга тўқилмай, сифатли терилади.

Машина теримининг муваффақияти дефляциянинг негизли сифатли ўтказилганлигига боғлиқ. Ҳамма бригадалар томонидан мажбурият тадбирларимизга кўра бу йил дефляциянинг сент-абрининг биринчи ўн кунлигидан-ҳар тўп гўзада 3-4 тадан қўсак очилган пайда ўтказамиз. Гўза барглариини сўзиш усул билан ўқитириш жараёнида асосан бутифос дориворидан фойдаланилади. Негаки, бу доривор саломатлик учун хавфли эмас. Дефляция асосан эрталаб ўтказилади. Бу ишда биз гражданд-хаво флотининг қишлоқ жўналиш авиацияси кучидан фойдаланамиз. Дефляция қилиниши лозим бўлган пайкаллар ажратилди, самолётларнинг учуши ва ҳал қилуви чинари таъйинланди, уларнинг ишани кузатиб туриш мақсадида сигналчилар бириктириб қўйилди. Химиявий дориворлар сепуви самолётларнинг иш сифатини агрономлар текшириб боришади.

Механизаторлар машина теримда етакчи ва ҳал қилуви кучидир. Колхоз правлениси ҳамда партия ташкилоти механик-ҳайдовчилар тайёрлаш ва уларга ғамхўрлик қилишни кўлаштиришга алоҳида ағамият бермоқдалар. Колхозда 36 та «ХТ-1.2», 8 та

«17Х-1.8» ва Зитта «Ўзбекистон» маркали пахта териш машиналари бор. Бу машиналарнинг 30 тасини ремонтдан чиқариб қўйганмиз. Қолган 15 та агрегат яқин кунларда созлониб, дала бошига чиқариб қўйилди. Терим агрегатларининг ҳаммаси 15 та пахтачилик бригадасига бириктириб қўйилган. Утган йили мавсумда 90 тоннадан пахта терган Валентин Ким, Муҳтар Макардилов, Турсунбой Камоллов Василий Нерозник, Мирза Сулаймонов Муҳаммад Гойназаров, Нажиб Аязовов каби механизаторларимиз ўз машиналарини ган. Уларнинг ҳар бири бу йил пўна эгитларда ҳамда 120 тоннадан қоқ олтин янгиштириб олишга аҳд қилган.

Бу йил ҳар бир машина учун мавсум нормасини 60 тоннадан белгилдик. Шунга кўра, механик-ҳайдовчиларга иш ҳақи тўлаш тартибини ҳам қараб чиқдик. Механизаторларга терган пахтасининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлашни жорий этамиз. Масалан, биринчи теримда бир иш кўни мобайнида агрегатда 2350 килограмм пахта терган механик-ҳайдовчига 6-разряд бўйича 5 сўм ўхш тўланади. Агар механизатор Бундан кўп пахта териб топширса, у вақтда ошичка терган ҳар тоннага қўшимча равишда тагин 1 сўмдан ҳақ олади. Бизда ҳар кўни 8-10 тоннагача ва ундан ҳам ошириб пахта терадиган механизаторлар сони аниқ бор. Белгиланган нормадан ташқари қанча кўп пахта терса, улар шунча кўп қўшимча ҳақ олиш имкониятига эга бўладилар.

Терим мавсуми давомида механизаторларга жуда кўп қўлайликлар яратиб берамиз, уларни қўшимча рағбатлантириб, моддий маънавиятларини ошириб берамиз. Иккинчи машина теримини давомида «механик-ҳайдовчининг иш нормасини бир кунда 1300 килограмм қилиб белгилдик. Шунча пахтаини Бункердан бўшатгани учун механизаторга 5 сўм миқдорда ҳақ тўлашга кўзда тутилган. Механик-ҳайдовчи бундан ошириб пахта терадиган бўлса, унга ортиқча терган ҳар бир тонна пахтага учун яна 1 сўмдан қўшимча пул тўланади. Бизда иккинчи теримда ҳам 1300 килограмм эмас, 4-5 тоннадан пахта терадиган бўлат у саворийларни кўп. Пахтаини учинчи теримини ҳам машинларда ўтказамиз. Бунинг

Кибор МАМЕДОВ — Янгийўл районидagi «Интернационал» колхозининг раиси; Мухтар ШУКУРОВ — колхоз партия ташкилотининг секретари; Александр ШЕК — бош инженер; Эгам ТУРЕҚУЛОВ — колхоз агрономи; Нажиб АЯВАЗОВ — механизатор, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты; Зинрилла МИРАЛИЕВ — уштан бошлиғи.

учун ҳар бир агрегатнинг кундалик иш нормасини 600 килограмм қилиб белгилдик ва механик-ҳайдовчига шунча пахта тергани эътиборга олинган. Бундан ошадиган тақдирда қўшимча равишда пул берилди. Шундай қилиб, бу йил яқин ҳосилнинг 90 процетини аниқ 2300 тоннасини изангори кемадан Бункердан бўшатилишини таъминлаймиз. Механизаторларимизнинг ҳаммаси тегишли курсларда, семинарларда ўқитилган, мавсумини катта тайёргарлик билан кўтиб олмақдалар.

Пахта териш машиналаридан ташқари 62 та принцип, 26 та кўрак териш ва кўрак чувиш агрегатлари ҳам омондан чиқарилмоқда. Бу техника ремонтини ҳам терим бошлангичига қадар тўлатиш тугалланди.

Мўл ҳосил ва пахта терими тақдирини одамлар ҳал қилади. Шунини алоҳида ҳисобга олиб, биз теримда катнашадиганларга ғамхўрликни янада яхшилашга кўзда тутилди. 15 та дала шийойини кўнгилдагидек қилиб жиҳозламиз. Колхозчилар ва механизаторлар учун ҳар кўни бир маҳал иссиқ овқат ва бир маҳал чой тайёрланади. Илгир теримчилар, бригадалар механик-ҳайдовчиларни рағбатлантириш учун ымпел, Кўлма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари белгиланди. Мусобақа якунлари ҳар беш ва ўн кунда қўйилиб борилади. Илгирлар тақрибисини кенг омма-лаштириш мақсадида 18 агитатор аниқтилди. Ҳар бир бригадда «Мангавар-вазрак» чиқариб турилади. Бундан ташқари «Авангард» дворян газетаси доғдир кишилар иш тақрибисини кенг ёйиш, терим суратининг сўсийишга сабабчи бўлаётганларни танқид қилишга шу йўл билан унумий юксалишга эришувинини таъминлашга даъват этилади.

Шу кунларда гўза парваришини бирор дақиқа ҳам сўсийтирмасдан пахта йигини-теримини таъйин-гарлик ишларини авж олдириб юбордик. Чўноқчи, хирмон жойлар таъйинланганди, тош-тарозилар ҳозирлаб қўйилди, йўл-қўриқлар тартибга келтирилмоқда. Ҳаёдемай далаларнинг машиналар айлангандиган бурчакларини, ўқирларини текислашга киришамиз. Ҳамма иш машина теримига мослаб ўтказилади.

Белгиланган тадбирларимиз ўз вақтида амалга оширилса давлатга пахта сотиш йиллик планини 25-30 иш кўни ичида бажариш имкониятига эга бўламиз. Фақат машина терими ҳисобида 50 минг сўмдан кўпроқ маблағин тежаб қиламиз. Бу, меҳнат ҳақининг ошиши ва махсулот танненинг кўпайишига катта таъсир қўрса-тади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга отланган пахтакорларимиз олган социалистик мажбуриятларини амалда, ҳақ сўзсиз бажаришга ҳозирдан пухта тайёргарлик қўрмоқдалар. Улар КПСС XXIV съездида муносабатларини рағбатлантиришга қўйилган бўлишга алоҳида ағамият қилишга асослангандилар.


Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номида А. КОСИГИН, А. ГРОМИКО.

К П С С
Марказий
Комитети
июль
Пленуми
қарорларини
амалга
оширамиз!

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ЗАФАРИ

Боевот районининг парранда-боқарлари зарбдор беш йилликнинг сўнгги йилида ажойиб ютуқини қўлга киритдилар. Давлатга пландаги 530 минг дона ўрнига 551 минг дона тухум топширилди. Тухум топириш давом этмоқда.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ.



Тошкент экскаватор-ремонт заводи коллективи КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, ишлаб чиқаришда муттасил яхши нурсаткичларни қўлга киритаётди. Суратларда: (юқоридан пастрга) корхонада узоқ йиллардан бери баранали меҳнат қилиб келадиган механик-йигувчи цехи тонари Р. Манжидов ва металл йиғувчи Н. Филимонов ўртоқлар. Улар смена топириқларини доимо ошириб адо этишга эришгандилар.

И. Глауберзон фотолари.

СССР БИЛАН ГФР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

12 августда Москвада Катта Кремль саройида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги Шартнома имзоланган маросими бўлиб ўтди.

Шартномани Совет Иттифоқи номидан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико; Германия Федератив Республикаси номидан — федерал канцлер Вилли Брандт ва ГФР ташқи ишлар министри Валтер Шеель имзоландилар.

Имзоланган маросимда Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, Д. Ф. Устинов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Гарбий Германия томонидан статс-секретарлар Э. Бар, К. Алерс, П. Франк, ГФРнинг СССРдаги элчиси Х. Аллардт бор эди.

Шартнома имзоланган залда совет ва чет эл матбуоти, радио, телевидение, кинохронининг ваниллари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

неф, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, Д. Ф. Устинов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Гарбий Германия томонидан статс-секретарлар Э. Бар, К. Алерс, П. Франк, ГФРнинг СССРдаги элчиси Х. Аллардт бор эди.

Шартнома имзоланган залда совет ва чет эл матбуоти, радио, телевидение, кинохронининг ваниллари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМА

Аҳдлашувчи Олий Томонлар, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашга қўмаклашишга интилоб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларини ва Уставини принциплари асосида давлатлар ўртасидаги тинч ҳамкорлик ҳалқларининг орав-умидларига ва ҳалқаро тинчликнинг кенг маффаатларига ҳам бўлиб тушишига ишониб,

Улар илгари келишиб, амалга оширган чоралар, жумладан, дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1955 йил 13 сентябрда битим тузилганлиги уларнинг ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида янги муҳим надамлар қўймоқ учун қўлай шарт-шароитлар яратганлигини қайд этди.

Ўз ўрталаридаги ҳамкорлигини, шу жумладан, иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳамкорлигини, шунингдек, илмий-техникавий ва маданий алоқаларини кинкала давлат маффаатлари йўлида яхшилаш ва кенгайтиришга аҳд қилганликлари Шартнома тарзида изҳор этиш истати билан, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикаси ҳалқаро тинчликни сақлаб туришни ва некиликни юмшатишга эришишни ўз сўбатининг муҳим мақсади деб биландилар.

Улар Европадаги вазиятни нормаллаштиришга ва Европадаги ҳамма давлатлар ўртасида тинч муносабатларини рағбатлантиришга қўмаклашиш истагини билдирадилар ва шу билан бирга бу районда мавжуд бўлган ҳақиқий аҳволга асослангандилар.

2-модда

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикаси ўзаро муносабатларида, шунингдек, Европа хавфсизлигини ва ҳалқаро хавфсизлигини таъминлаш масалаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставида таърифланган мақсадлар ва принципларга амал қилдилар. Шунга мувофиқ равишда улар ўз ўрталаридаги низоларни фақат тинч воситалар билан ҳал қилишга аҳд қилишга асослангандилар.

қилдилар ва Европадаги хавфсизлик ва ҳалқаро хавфсизликка дахлдор масалаларда, шунингдек, ўзаро муносабатларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави 2 моддасига биноан, куч билан ва уни қўллашни билан дўқ қилишдан воз кечиб мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

3-модда

Юқорида баён этилган мақсадлар ва принципларга мувофиқ равишда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикаси ҳозирги чегараларга ҳеч қандай қўшимча тақдирларни Европада тинчликни сақлашнинг муҳимлигини яқинлаштириш билан эътироф қилдилар.

Улар Европадаги ҳамма давлатларнинг ҳозирги чегараларидаги территориял бутунлигига оғишмай риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Улар ҳеч қандай нисбатан территориял даъволари йўқ эканлигини ва негусида ҳам бундай даъволарни ўртага қўймадиларини айтадилар.

Улар Европадаги ҳамма давлатларнинг ўшбу Шартнома имзоланган кундаги чегараларини, шу жумладан, Польша Халқ Республикасининг гарбий чегараси бўлган Одер-Несе чизигини ва Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги чегарани ҳозир ва келгусида бузилмас чегаралар деб биландилар.

4-модда

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ушбу Шартнома уларнинг илгари тузилган икки томонлама ва кўп томонлама Шартномалари ва битимларига дахлдор эмас.


5-модда

Ушбу Шартнома ратификация қилиниши керак ва ратификация қилинган айирбашланган кунда кучга кириди, бу ёрлиқлар Бонн шаҳрида айирбашланади.

Ушбу Шартнома 1970 йил 12 августда Москва шаҳрида икки нусхадда, ҳар бири рус ва немис тилларида тузилди, ҳар иккала текст бир хил кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номида В. БРАНДТ, В. ШЕЕЛЬ.

Германия Федератив Республикаси номидан



АТТАНГ ДЕБ ҚОЛМАЙСИЗМИ?

Охунбобоев районининг қўлачилик колхозлариди сўнгги кунларда гўза парваришини сўсийтириш юборилди. Ҳалики номили колхозда «гўза ўсиб кетди, пайкал тақтор кирса, шохларини сиңдириб юборади» деган заварли қайфиятга берилди, универсаллар тўхтабди қўйилди. Колхозининг М. Хоимов бошлиқ бригадаси даласида чопиқчилар кўрнмайдди, 25-30 гектар майдондаги гўзалар чанқиб қовжираб кетган. Сувчи ҳар эса сол-салқин жойларда дам олиб ётибди. Уларнинг иши устидан назорат олиб борадиган раҳбар бўқ.

А. Мўминов бошлиқ бригадари чанана тугалланди деб рапорт берилганига аниқ бўлди. Ваҳолонки, агротехниканинг бу тақдир сифатсиз ўтказилгани, ҳосил бермайдиган шохлар олиб ташлабмагани натижада гўзалар ҳамон говлаб, бўйига ўсиб кетяпти.

«Победа» колхозининг раҳбарлари гўзанинг кўнға маҳли бўлиб, маънаби юборилди. Ҳақиқатда эса ҳосилнинг қўғи талабга жавоб бермайдди. Р. Акбаров, Р. Нишонов, М. Рустамов бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахта май-

донларида гўза парвариши дала тўхтабди қўйилди. Экинга «шарбат» оқизилганига аниқ бўлди. Кўп гапириладиган, саводалар тузилган бўлса-да, амалда аризилик иш қилинмапти.

«Партия XXII съезди» ва Кирова номили колхозларда ҳам ахвол ночор. Усини ва ривожланишдан орқада қоладиган гўзаларни кўриб ачинади, киши. Аммо бу ҳўналикларнинг раҳбарлари қолоқликка ўрганиб қолганликларида парвойи паллак юрибди. Талай майдонлардаги гўзаларни ўргимчаккана еяпти, шира босиб кетяпти. Ле-

кин унга қарши чора кўрадиган кишилар топиламапти.

Дехқончилик — позик иш. Дехқон хўшёр бўлмаса қисқа фурсатда яхши гўзаларни ёмонга айлантириб, ҳосилдан жуда бўлиб қолшини мумкин. Бунини юқориди номлари тилга олинган колхозларнинг раҳбарлари яхши билдирдилар. Лекин биллиб туриб ачинарли ахволни тугатип чораларини кўрмайптилар. Бу ахволда тарзон қурилган паллада аттанг деб қолинмас-кин?

Х. ОРИПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Бухоро область, Свердлов райондаги Свердлов номили колхозининг сойиқ раиси Тошқул Хатамовнинг оғир ва узоқ давом этган беморлигидан сўни 1970 йил 12 августда вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради.

